



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«09» июли 2021-й.

№03-03/03-3255 «__»-__ 2021-й.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига

Сизнинг 2021 йил 6 июл кунги 4/962-сонли топширигингизга:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси хузурида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига вазирликнинг 2021 йилнинг 25 июн кунги “Имконияти чекланган болаларни ижтимоий-маиший ҳаётга тайёрлаш, касбга йўналтириш, улар билан реабилитация, коррекцион ишларни олиб бориш мақсадида Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги 03-03/3-3072-сонли (лойиҳа) юборилган эди.

Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг Нукус филиалини ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Вазирнинг ўринбосари

Ш.Таджимуратов





230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 25 » июнь 2021-й.

№ 03-03/3-3072 « _____ »-_____ 2021-й.

**Қарақалпақстан Республикасы
Жоқарғы Кеңеси жанындағы
Жәмийетлик фондына**

Бүгинги күнде Қарақалпақстан Республикасында 16 жасқа шекем жәми 7772 (3453 қыз бала) майыплығы болған жаслар бар. Усы имканияты шекленген балалар ушын Ташкент қаласындағы Республикалық балалар социаллық бейимлесий Орайының Нөкис филиалын шөлкемлестирилгенде мақсетке муўапық болар еди.

Усыныс қоса тигиледи.

Қосымша беттен ибарат.

Министрдің орынбасары  Ш.Таджимуратов

Орынлаўшы: Э.Нуртаев
Тел: (8-361) 222-11-51



**Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг Нукус филиалини
ташкил этиш бўйича
ТАКЛИФ**

Давлат ташкилотининг номи	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Давлат ташкилоти фаолиятининг йўналиши устувор	жисмоний ривожланишида турли нуқсонлари бўлган ҳамда даволаниш ва соғломлаштиришга муҳтож бўлган болаларга ижтимоий кафолатларни таъминловчи чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, уларнинг таълим ва тарбия (шу жумладан, инклюзив) олишларига кўмаклашувчи мос муҳитни яратиш, имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) фаолиятини такомиллаштириш
Буюртманинг мақсади	Имконияти чекланган болаларни ижтимоий-маиший ҳаётга тайёрлаш, касбга йўналтириш, улар билан реабилитация, коррекцион ишларни олиб бориш мақсадида Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг Нукус филиалини ташкил этиш
Буюртманинг вазифалари	Имконияти чекланган, муҳофазага муҳтож гуруҳга мансуб болаларга ижтимоий кўмак кўрсатиш, имконияти чекланган болаларни муваффақиятли тарзда жамиятга мослаштириш
Буюртманинг шартлари	Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 16 ёшгача жами 7772 (3453 нафари қиз бола) нафар ногиронлар мавжуд бўлиб, ушбу имконияти чекланган болаларни ташкил этиладиган Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг Нукус филиалига тўлиқ қамраб олиш; Тиббиёт муассасалари томонидан ногиронликни олдиндан аниқлаб, маълумот алмашини йўлга қўйиш; Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиши зарур.
Буюртманинг бажарилишидан кутилаётган натижа	Имконияти чекланган, муҳофазага муҳтож гуруҳга мансуб болаларга ижтимоий кўмак кўрсатилади, имконияти чекланган болаларни муваффақиятли тарзда жамиятга мослаштирилди, уларнинг қобилиятини тўлиқ юзага чиқариш, шунингдек, имконияти чекланган болаларга нисбатан жамиятнинг ижобий муносабатини

	<p>шакллантирилади, Марказда беғараз тарзда кенг кўламдаги тиббий-ижтимоий, психологик-педагогик ва консультатив-ҳуқуқий хизматлар кўрсатилади, Ижтимоий мослашув марказига келган ҳар бир имконияти чекланган болага унинг салоҳиятини юзага чиқариш борасида ҳар томонлама кўмак кўрсатилади, алоҳида ёрдамга муҳтож болаларга юқори малакали педагоглар, логопедлар, болалар психоневрологлари, даволаш гимнастикаси бўйича инструкторлар, имо-ишоралар тили мутахассислари, арт-терапевтлар ва ҳуқуқшунослар зарур даражада ёрдам беради, бизнинг жажжи беморларимиз даволаш тренажёрларида машқ қилади, сенсор, мусиқа, қум ва эртақлар ёрдамида муолажа қилиш машғулотида, шунингдек, сув ҳавзасида “аква-процедура” ва “гидрокинезотерапия” каби муолажа курсларида қатнашади. Саломатликни тиклаш жараёни нафақат фойдали, балки ёқимли ва қизиқарли бўлгани сабабли, боланинг умумий аҳволи ва соғлиғида тез фурсатда ижобий ўзгаришлар кузатилади, болаларнинг саломатлигини тиклашда ота-онанинг руҳий ҳолати ҳал қилувчи аҳамият касб этади, мутахассислар ота-оналарга психологик кўмак беради, шунингдек, уларга уйда бола билан мустақил шуғулланиш, кичкинтойларнинг билим олиш кўникмасини ривожлантириш сирлари ўргатилади.</p>
<p>Жамғармадан сўралаётган маблағ миқдори (сўмда)</p>	<p>5 млрд. (миллиард)</p>
<p>Давлат ташклотининг хиссаси</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги ҳам ўз навбатида имконияти чекланган болаларга таълим-тарбия бериш, қолаверса, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, жамиятда ўзининг ўрнини муносиб топиши, келажакда ўз касбига эга бўлишида ўз ёрдамини беради</p>
<p>Буюртмани давлат ижтимоий дастурларга, маҳаллий ривожлантириш дастурларга киритганлиги, ёки киритиш имкониятининг мавжудлиги</p>	<p>Бугунги кунда давлат ижтимоий дастурларига киритилмаган.</p>